

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„5“ Январь 2018 й. г. № 8

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Тошкент шаҳридаги бассейнлар фаолиятини янада тақомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари спорт таълими тизимини янада тақомиллаштириш, аҳолини соғломлаштириш, уларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, сув спорти турлари бўйича спорт захираси ва юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, бассейнлардан самарали фойдаланишда давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш, сув спорти турлари бўйича болалар тренерларини тайёрлаш ва селекция ишларини йўлга кўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тизимидағи Тошкент шаҳрида жойлашган бассейнларда соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланиш учун олинадиган тўлов миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансан ва 2018 йилнинг 1 февралидан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси 2018 йил 1 февралга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тизимидағи бассейнларда (кейинги ўринларда бассейнлар деб аталади) шуғулланиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда ёшлар кесимида сув спорти турлари билан шуғулланиш бўйича ўқув режалар, дастурлар ва меъёrlарни ишлаб чиқиб белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли болаларни сув спорти турларига ўргатадиган тренерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этсин;

бассейнларга кириш ва ўтиш жойларида видеокузатув мосламалари ҳамда турникетлар ўрнатилишини таъминласин;

бассейнларнинг манзили, иш вақти, кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархлари аниқ кўрсатилган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғида доимий равишда кенг ёритилишини йўлга қўйисин.

3. Белгилаб қўйилсинки, бассейнларга кириш ва ўтиш жойларида видеокузатув мосламалари ва турникетларни ўрнатиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргалиқда бассейнларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларининг бажарилиши бўйича доимий равища тушунтириш ишларини олиб борсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Xalq таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда:

Тошкент шаҳрида жойлашган давлат таълим муассасаларининг бассейнларини хатловдан ўтказсин;

хатлов якунлари бўйича давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган Тошкент шаҳрида жойлашган давлат таълим муассасаларининг бассейнлари рўйхатини тузсин ҳамда мазкур рўйхатни ҳамда давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериш шартлари тўғрисидаги маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирунин;

давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган бассейнларни келиб тушган таклифларга кўра, ижарага бериш тизимини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси келгусида қуриладиган бассейнлардаги вентиляция тизимларининг табиий ва сунъий йўлларидан фойдаланишни ташкил этиш хисобига энергия жиҳатидан тежамкорлик тизимини татбиқ қилган ҳолда лойиҳа-смета хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргалиқда уч ой муддатда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида 2018–2025 йилларда 10 тадан энергиятежамкор бассейнлар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунин.

9. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ.В.Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Д.Қурбонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 5 ” январдаги  
8 - сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси  
тизимидағи Тошкент шаҳрида жойлашган бассейнларда соғломлаштириш  
гурухларида шуғулланиш учун олинадиган тўлов микдорлари**

<b>Ёшлилар кесимида</b>	<b>Энг кам ойлик иш ҳақи микдорига нисбатан фоиз хисобида (бир ойга)</b>
4-7 ёш	30
8-12 ёш	40
13-17 ёш	50
18 ва ундан катта ёшдагилар	70

